

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Мамлакатимизда инвестицион сиёсатни такомиллаштириш, иқтисодиётнинг турли соҳаларига хорижий ва миллий сармояларни жалб этиш, ишбилармонлик иқлимини яхшилаш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

БУНЁДКОРЛИКНИНГ ЯНГИ ИМКОНИАТЛАРИ

деворбоп материаллар тайёрлаш саноати
ривожда ҳам яққол акс этмоқда



Корхоналарни қайта жиҳозлаш ва юқори технологияли янги ишлаб чиқариш субъектларни яратишга қаратилган инвестицион лойиҳаларнинг амалга оширилиши маҳаллий корхоналарнинг рақобатбардошлигини ошириш, фуқаролар бандлигини таъминлаш, аҳоли турмушини янада яхшилашга хизмат қилади.

Давоми 2-бетда ➡

Мансур ХИММАТОВ
олган суратлар

Мулоҳаза

Кейинги вақтларда матбуот саҳифаларида таҳлилий мақолалар салмоғи, воқеа-ҳодисалар ҳақидаги ахборотлар тезкорлиги ортди. Катта тажрибага эга журналистларнинг чиқишлари жамоатчилик фикрини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу каби ижобий ўзгаришлар қувонарли, албатта. Лекин, афсуски, айрим ҳолларда, ҳатто марказий нашрларимизда шов-шув ва рейтинг ортидан қувиш мақсадида тайёрланган ахборотлар ҳам кўпаймоқда.

ИЛМОҚЛИ САВОЛЛАР, ШОВ-ШУВЛИ САРЛАВҲАЛАР

касбимизнинг ҳолислик
тамойилига соя
солмаяптими?

Яқинда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан Миллий матбуот марказида тадбир ўтказилди. Унда давлат органлари хизматчилари иш вақтидан ортиқча ишлашлари мумкинлиги кўтарилди. Тадбирда журналистлар томонидан кўпга саволлар берилди. Лекин, бизнингча улар орасида бир фикр жуда ўринсиз эди...

Мазкур тадбир ҳақида нуфузли бир нашр "Ҳокимлар нега ишхонада ухлайди? Иш вақтига қачон амал қилинади?" сарлавҳада ахборот тарқатди. Унда бир журналист баъзи вилоят ҳокимлари билан интервью қилиш жараёнида уларнинг иши кўпчилигидан хизмат хонасида тунаб қолишларига гувоҳ бўлгани ҳақида ёзган.

Нашрнинг юртимиз ахборот майдонидидаги ўрни, савиясига бирор бир журналист шубҳа қилмайди. Ҳатто, аксарият ҳамкасбларимиз шу даргоҳда ишлашни орзу қилади. Балки, кимдир буни сўз эркинлигига қўйса. Тўғри, сўз эркинлиги журналист учун сув ва ҳаводек зарур. Бунинг унинг фаолияти чекланади. Чиркин гоёлар тарафдорларига эса йўл очилади. Аммо, журналист сўз эркинлигини тўлиқ масъулиятсизлик, истаган саволни бера олиш ҳуқуқи сифатида тушунамаслиги керак. Сўз эркинлигида меъёрни билмаслик, таъбир жоиз бўлса, шифо бўлувчи малҳамни захарга айлантириб қўйишдек гап.

Давоми 2-бетда ➡

КУМУШКОНДА – «ТУРИЗМ ҚИШЛОҒИ»

Паркент туманининг хушманзара "Кумушкон" маҳалласи ҳудудида Ўзбекистонда биринчи "Туризм қишлоғи"ни ташкил этишга доир лойиҳа ижросини бажаришга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Сайёҳлар учун ташриф қоғози

Унда сўзга чиққан Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси вазифасини вақтинча бажарувчи А. Аккулов, вилоят ҳокимининг туризмни ривожлантириш бўйича ўринбосари С. Низамов, туман ҳокими Н. Муҳамедов ва бошқалар "Туризм қишлоғи"нинг инфратузилма объектларини ўз вақтида ишга тушириш, лойиҳага жалб этилган хонадон эгаларига ҳар томонлама кўмак бериш зарурлигини таъкидлашди. Шунингдек, сайёҳларни

жалб этиш бўйича "Йўл харитаси" ишлаб чиқиш маълум қилинди. Лойиҳага кўра, Кумушкон ҳудудида 50 та меҳмон уйи, 20 та хонадон негизда этноқишлоқ, шунча хонадонни ўз ичига олувчи миллий таомлар маскани, 15 хонадонни қамраб олган ҳунармандлар мажмуаси, 10 хонадон жалб қилинган ҳолда санъаткорлар қишлоғи ва 20 хонадонли агротуризм қишлоғини яратиш режалаштирилган.

Булардан ташқари, бу ерда замонавий меҳмонхона, халқ кутубхонаси, ёшлар ижодиёт маркази, халқ ўйинлари ва спорт намоёйишлари майдончаси, ўтовлар шаҳарчаси, сайёҳлар учун тиббий хизмат кўрсатиш шаҳобчаси ҳамда 7 та мавсумий дам олиш маскани ташкил қилинади.

Натижада, 450 та янги иш ўрни очилиб, сайёҳлар сони йилига 250 минг, шу жумладан, хорижий сайёҳ-



лар 60 минг нафарга, туризм хизматлари ҳажми эса 50 миллиард сўмга етказилиши кутилмоқда. Паркент – туристларни жалб қилиш борасида барча имкониятлар эга. Айниқса, тумanning Кумушкон, Заркент, Сўқоқ ҳудудлари мамлакатимиз туризм бозорида ўз ўрни ва салоҳияти билан ажралиб туради.

Ўз мухбиримиз

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ИЛМ-ФАН ТАНДЕМИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШ АСОСИДИР

Инновацион ривожланиш вазирлиги ташаббуси билан Чирчиқ шаҳрида Олмалик кон-металлургия комбинатига қарашли "Нодир металллар ва қаттиқ қотишмалар" илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасида "Ишлаб чиқаришнинг ривожлантиришда инновацион илмий-технологик марказларнинг роли ва аҳамияти" мавзусидаги илмий амалий анжумани бўлиб ўтди.

Ҳамкорлик

Олмалик кон-металлургия комбинати акциядорлик жамияти – рангли металллар саноатининг етакчиларидан бўлиб, тоғ жинсларини қазиб олиш ва қайта ишлаш бўйича нафақат республикада, балки Ўрта Осиё минтақасидаги энг йирик корхоналаридан биридир. Комбинатнинг Осиё минтақасидаги улуши салмоқли бўлиб, йиллик солиқ ўтказмалари давлат капиталининг 3,6 фоизини, мамла-

катимиз экспорт тизимида салкам 10 фоизни ташкил қилади. Олмалик кон-металлургия комбинати ва Корейнинг Kigam институти ҳамкорликда яратилган Ўзбекистон-Корея нодир металллар ва қотишмалар илмий-технологик марказида айни кунларда илмий лаборатория ускуналари ҳамда малакали ходимлар билан таъминлаш ишлари олиб борилмоқда. Хусусан, марказга етакчи олим ва мутахас-



сисларини жалб этиш, ҳамкорликда илмий тадқиқот ишларини олиб бориш, илмий семинарларни уюштириш, марказ ходимлари малакасини ошириш каби вазифалар бажарилмоқда. Ишлаб чиқаришнинг жорий ҳолатини ўрганиш ҳамда Олма-

ликон-металлургия комбинатининг келгуси фаолияти самардорлигини ошириш мақсадида қилинган ишлардан бири нодир металллар ва қаттиқ қотишмаларни ишлаб чиқариш бўйича Илмий-технологик марказининг ташкил этилишидир.

Корхонамиз ол-

дига Олмалик ва Навоий кон-металлургия комбинатларининг чиқиндилари таркибидида нодир металлларни ажратиш бўйича вазифаси қўйилган, дейди Олмалик кон-металлургия комбинати бош муҳандисининг ўринбосари А. Ҳасанов. Ҳозирда мана шу икки йирик

корхонада йиллар давомида йиғилиб қолган 1,5 миллиард тонна чикинди таркибидида 20 хил нодир металл борлигини биламиз. Рудий, палладий, индий, рутин каби нодир металлларни ишлаб чиқариш йўлга қўйишда Илмий-технологик марказ мутахассислари тадқиқотлар олиб боришади. Бу ишларни амалга ошириш учун 10 нафар мутахассисни Кореяда ўқиш келишини режалаштирилди.

Тадбирда сўз олганлар, ҳозирги кунда ҳар қандай давлат саноатининг иқтисодий ривожланиш даражаси чўян ва металл қанча ишлатгани билан эмас, балки нодир металллардан ишлаб чиқаришда қанчалик фойдаланишига боғлиқлигини таъкидлашди.

Фармон ва ижро

Президентимизнинг жорий йил 27 майдаги "Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги Фармони мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш, энг юқори даражадаги қулай инвестициявий ва ишбилармонлик муҳитини яратиш, мамлакатнинг халқаро майдондаги ижобий имижини ошириш ва мустаҳкамлашга қаратилган.

СТРАТЕГИК МАҚСАДЛАР ИФОДАСИ

Мазкур фармон билан 2019-2020 йилларда коррупцияга қарши курашиш Давлат дастури қабул қилиниб, Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссиясининг янги-ланган таркиби тасдиқланди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ва унинг асосида қабул қилинаётган ҳар йилги Давлат дастурларида белгиланган вазифаларни амалга ошириш жараёнида ҳам ушбу фармон ижросини таъминлаш муҳим ўрин тутди. Жумладан, жорий йилги Давлат дастурида "Мамлакатни 2030 йилга қадар ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан комплекс ривожлантириш концепцияси", "Иқтисодиёт ривожига жиддий туртки берадиган соҳаларни ривожлантириш стратегияси", "Рақамли Ўзбекистон – 2030 миллий стратегияси" каби қатор ҳужжатлар ишлаб чиқиши ва изчил амалга оширилиши режалаштирилган.

Шу нуқтаи назардан, тегишли вазирлик ва идораларда ишлаб чиқариётган стратегик ҳужжатларга ҳам фармонда белгиланган талаблар сингдирилиши лозим бўлади. Чунки, мазкур чора-тадбирларнинг ўз вақтида ва самарали ҳаётга татбиқ этилиши коррупциянинг ҳар қандай кўринишларига барҳам бериш билан бевосита боғлиқдир.

2019-2020 йилларда коррупцияга қарши курашиш Давлат дастури ижросини таъминлашда барча давлат органлари фаолиятига рақамли иқтисодиётни кенг жорий этиш мақсада мувофиқдир. Иқтисодиёт соҳасига бу илғор замонавий технологиянинг кириб келиши давлатнинг аҳоли ва бизнес вакиллари билан самарали ҳамкорлигини таъминлайди, қолаверса, яширин иқтисодиётга барҳам беради. Яъни, иқтисодиёт соҳасидаги барча маълумот ва ахборотлар ҳамма учун очик бўлади. Шунингдек, ривожланган давлатлардагидек нақд пулсиз иқтисодиётга ўтишимиз келгусида коррупция ҳолатларининг олдини олишга замин яратади.

Давоми 3-бетда ➡

«ОБОД МАҲАЛЛА»НИНГ БАРБОД БОҒЧАСИ

ёхуд усти ялтироқ,
ичи қалтироқ
бодалар
боғчаси
кимга
керак?



3

2

